

**Б. Аминов, Б. Султонов,
Н. Раҳмонбердиева**

**БОЗОР
ОДОБЛАРИДАН
БИР ШИНГИЛ**

Тошкент,
«Истиқлол» — 2008



Ю 35077
091

87.774 Аминов, Билол.

A59

Бозор олобларидан бир пингил/ Б.Аминов, Б.Султонов, Н.Раҳмонбердиева; Маъсул муҳаррир С. Мирзахўжаев. – Тошкент: Истиқлол, 2008. – 32 б.

I. Султонов Б. II. Раҳмонбердиева Н.

ББК 87.774

Тақризи: У.Уватов — тарих фанлари доктори.
Маъсул муҳаррир: С.Мирзахўжаев — тарих фанлари номзоди.

«Sharq Ayoli» Халқаро Аёллар жамоа фонди ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳомийлигида нашр этилди.

Шарқ мамлакатларида қадим замонлардан то ҳозирги кунларгача, бозор одамларнинг ўзаро мулоқат анжумани маркази, олди-сотти, борди-келди маскани бўлиб келди.

Ушбу бозорларнинг фазилатлари: хосияти, ранг-баранглиги, таровати хорижий меҳмонларни қадимдан ҳайратга солиб келмоқда.


Бозор — инсон кайфиятини белгиловчи ўзига хос мезондир. Унинг асрлар давомида шаклланган қонун-қоидалари бор. Бу тўғрида қадим битикларда ёзиб қолдирилган.

Ушбу мўъжаз рисола данишманд халқимизнинг инсоний қадриятларини доимо ўрганиб, англаб боришга даъват этади. Бозорда сотувчи билан олувчининг савдо муомаласидаги фазилатларига-лутф ва ширинсуҳанликларига тасаннолар таъкидланади.

Рисола кенг китобхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

ISBN 978-9943-338-45-6

© Б. Аминов, Б. Султонов, Н. Раҳмонбердиева
© «Истиқлол нашриёти», 2008.





КИРИШ

Ҳикмат — ибрат учун пойдевор.

Истиқлол туфайли барча қадриятларимиз калити қўлга теғди. Эндиликда зукколик билан ана шу табаррук ва азиз, ҳаётий ва бебаҳо «олтин мерос»ни оча билиш, тўла англаб қалбга жойламоқ лозим.

Президентимиз **И.А.Каримов** «Танлаган ўз тараққиёт ва ислоҳот йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, шарқ ҳикматшунослигининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир» деб таъкидлаган эдилар.

Ҳар қандай маърифий жамиятнинг тараққиётида маънавий комил инсонларнинг ўрни ва роли беқиёс бўлиб, бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Мана шу тамойилларга амал қилган ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз, юксак фазилатларга эга комил инсонни тарбиялашда дин, хусусан ислом дини, унинг муқаддас манбалари Қуръони карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг ҳадисларидан фойдаланганлар.

Амир Хисрав Деҳлавий таъкидлаганидек:

*Илм аслида — бу аниқ тадқиқ,
Ўрганиш, изланиш ва ҳам татбиқ.*

Дарҳақиқат, алломаларимиз, донишманд халқимизнинг маънавий хазинасидан жой олган дурдона мақоллар, ҳадис ва ҳикматларни доимо ёд олиб такрорлаб боришини даъват этганлар.



*Дехқон бўлсанг шудгор қил,
Мулла бўлсанг такрор қил.*

дейди халқимиз.

Абу Райҳон Беруний: «*Билим — қайтарил ва такрорлаш мевасидир*» десалар, Алишер Навоий бобомиз:

*Ёшликда йиғ или мағзини,
Қарликда сарф қил ани*

деб ўғит берганлар.

Замондошимиз бўлган аллома Файбуллоҳ ас-Салом «Толибнома» рисоласида талабаларга муружаат қилиб: «*Ҳадис, ҳикматларни тез-тез мутолаа қилиб туринг. Ёшлик эҳтиросини ақл, мантиқ кучига бўйсундинг. Ишончимиз камилки, Сиздек навниҳолнинг тўғри, бақувват чинор, сермева дарахт бўлиб ўсишингизга ёрдам беради*», деб ёзганлар.

Ҳикматлар — минг йиллар оша фақат бир улуг ғояга — иқтисодий фаровон, адолатли, маънавий баркамол жамият қуриш ҳамда ҳар томонлама етук комил инсонларни тарбиялашдек ўта муҳим мақсадга хизмат қилиб келмоқда.

Мустақиллик туфайли республикамизда қарор топа бошлаган ижтимоий адолат, айниқса бой ва кўҳна тарихимиз, маданий меросимиз, маънавий қадриятларимизга муносабат батамом ўзгарди. Буюк алломаларимизнинг ҳаёт ва ижодларини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларини нашр этиш каби хайрли ишларга кенг йўл очилганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ушбу рисоланing юзага келишида маънан ва моддий қўллаб-қувватлаган Анваржон Маҳмуд ўелига ўз ташаккуримизни билдирамыз.





*Мазкур рисола ни меҳри уммон —
инсоний фазилатлар соҳиблари —
падари-бузрукворларимиз оталаримиз,
мунис, заҳматкаш оналаримизнинг
порлоқ хотираларига бағишлаймиз.*

Муаллифлар

Бозор — меҳрга зор!

БАРОКАТЛИ ДАСТУРХОН

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Бозор — табаррук жой! Эл-юртнинг ризкурузи бозорда бўлади. Заҳматкаш халқ топган-тутганини, йиғган-тўплаганини ақл-заковати ва қўл кучи қудрати билан она ердан етиштирган ноз-неъмат бойлигини олди-сотди тарзида алмашадиган, турмуши, яшаши учун зарурий нарсаларни харид қиладиган манзилгоҳ бозор ҳисобланади. Деҳқону-соҳибкор, ғаллакоручорвадор, ҳунарманду-савдогар — ҳамма ўз молмулкани, анжом-буюмини, хуллас ҳар ким топганини бозорга олиб келади. Бозор — бутун бир эл-юртнинг бойлиги ва тадбиркор кишиларнинг уддабуронлигини намойиш этадиган, файзу



тароватини кўзгудек кўрсатадиган, миллатнинг обрў-шуҳратини белгилаб берадиган мўътабар манзилгоҳ ҳисобланади.

Ҳикоят. Бир ёш шаҳзода узоқ мамлакатларга сафар қиладиган бўлибди-ю, пириустозидан сўрабди:

— Саёҳат чоғи эл-юртни танимоқ учун нималарга диққат-эътибор қилай, устоз?

— Дунёнинг қайси бир мамлакатига борсанг, ўша эл-юртнинг уч жиҳатига разм-эътибор бер! — дебди устози. — Даставвал, мазорини, кейин бозорини, сўнг эл-улусининг муомала-муносабатини кузат! Мазорини зиёрат қилганингда ўша мамлакат одамлари авлодаждодларини ва ўз қадриятларини қанчалик эъзозлашларини билиб оласан. Сўнг бозорларини айлансанг, тирикчиликларини, турмуш тарзларини ва кайфиятларини сезасан. Муомала-муносабатларини кузатсанг — одамларнинг хулқу одобини ва бир-бирларига меҳроқибатлари қанчалик эканини ўрганиб оласан!

Чиндан-да, ҳар бир мамлакат шаҳарига унинг бозорининг тўкин-сочинлигига, саришта-тартибига қараб баҳо берилади, зеро бозор фаровонлиги халқнинг тирикчилик даражасини белгилайди. Четдан келган меҳмон бозор айланиб, шу шаҳар аҳолисининг турмуш маишатига: *"Ҳа, бу халқ шундай яшар экан"* деб хулоса чиқаради.



Қадимдан қолган нақлда ҳам, бозор — халқ турмушининг мезони эканлиги зикр этилган: "Юртнинг бойлиги, элнинг кайфиятини билишни истасанг, бозор оралаб кўр", деб бежиз айтилмаган. Қайси юртнинг одамлари заҳматкашу миришкор бўлса, тупроғи ҳосилдор, иқлим-ҳавоси жозибадор, сувлари кавсар ва мўл-кўл бўлса, ўша ерда тўкин-сочинлик, тўқлик-фаровонлик, файз-тароват бўлиши сир эмас. Айниқса, оддий чўп-новдани ерга суқиб қўйсанг ниҳол бўлиб мена берадиган ўзбек тупроғининг, унинг боғ-роғлари, серҳосил дала-ларининг ноз-неъматлари ҳусну-жамолини бозорларда кўрганда қанчалар фахр-ғурурга тўламиз (Қарангки, жаҳонгашта кишиларнинг таъриф-тафсил этишларича, дунёнинг бирор мамлакатида мева-чевалар Ўзбекистон тупроғида етилганидек ширин-шакар бўлмас экан, бизнинг мевалар қанту асал эмиш). Баҳорнинг шифобахш кўкатларидан тортиб, ёз ва олтин кузнинг анвойи нозу-неъматлари йилнинг тўрт фаслида ҳам бозор пештахталарда товлантириб туради, хориждан келган сайёҳлар мева-чеваларимизнинг сархиллигига мато-буюмларимизнинг нозик дид билан тайёрланганлигига, миллий кийим-либосларимизнинг ранго-ранг жилоланишига таҳсин-тасаннолар айтишади. Файласуф шоир

Мақсуд Шайхзода "Тошкентнома" достонида шаҳар бозорини мадҳ этиб ёзади:

*Ҳеч қаерда Тошкентчалик, балки бозор топилмас,
Ҳафтамининг етти кунни раста-дўкон ёпилмас.
Нонин, гўштин, қандолатин, майизинми айтайин,
Паловини, тар мевасин, қимизинми айтайин?*

Тошкент бозори — жаннат жамоли! Зеро, "Тошкент бозорларида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилади"... Шу ўринда "Отанг бозор, онанг бозор" деган машҳур ибора бекор айтилмаган.

Шарқ мамлакатларида жуда қадим замонлардан ҳозирги кунларгача бозор одамларнинг ўзаро мулоқот қиладиган анжуман маркази, олди-сотди, борди-келди маскани бўлиб келди. Бозорнинг хосияти, бойлиги, фазилатини таъриф этиш анча қийин. Агар бозорни фаровон оиланинг ўз азиз меҳмонларига тузаб қўйган тўкин-сочин дастурхонига қиёслайдиган бўлсак, "Ўзбек бозорлари — Ўзбекистон мамлакатининг баракотли дастурхони!" дейишимиз жоиздир.



ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР***

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Раҳимли ва меҳрибон тангри номи билан
РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИС САЛОМ
АЙТАДИЛАР:

* Кечиримли бўлинглар, шунда сизларга ҳам кечиримли бўлишади.

* * *

* Касбнинг афзали ҳалол савдо ва кишининг қўл меҳнатидир.

* * *

* Савдогарларнинг яхшиси молини яхшилик билан бериб, яхшилик билан олувчисидир (ўз вақтида бериб, ўз вақтида олувчисидир).

* * *

* Савдогарнинг ёмони — ёмон муомала қилувчисидир (бериши ҳам ёмон, олиши ҳам ёмонлик билан).

*** Муҳаммад пайғамбар с.а.в. қиссаси. Ҳадислар.
- Т., Камалак, 1991. - 304 б.

Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т., Фан, 1990.



* * *

* Ҳаромлардан сақлан, кишиларнинг обидроғи бўласан.

* * *

* Агар арзон олиб қиммат сотиш пайида бўлсаларинг, чорва, деҳқончиликка берилиб, Оллоҳ йўлида жиҳод қилишни тарк этсаларинг, Оллоҳ таоло устиларингга бир хорликни юборади ва бу хорликни то динларингга қайтмагунларингча устиларингдан олиб ташламайди.

* * *

* Топилган молнинг энг тозаси (покизаси) кишининг пешана тери билан топилган мол ва беғирром ҳалол савдодан топилган пулидир.

* * *

* Садақанинг афзали чанқаган кишига сув беришидир.

* * *

* Бировга ҳадя бериб кейин қайтариб олган одам тўйгунча еб, кейин қусиб, қусганини қайтадан ялаган итга ўхшайди.

* * *

* Савдога кўп қасам ичманглар, чунки қасам молни ўтказади, лекин баракасини кетказади.

* * *

* Омонатдорлик ризқ келтиради, хиёнат фақирлик келтиради.

* * *

* Савдолашаётган харидор сотувчи ихтиёридадир, то ажрашгунча (яъни бор барака деб байни кесгунча). Агар рост гапирилса, Оллоҳ томонидан савдога барака берилади. Агар ёлғон гапирилса, молнинг айби беркитилса, баракаси кетади.

* * *

* Бир киши одамларга қарз берар эди ва хизматкорларига айтар эди: "Жуда қийналган одамга берган қарзингдан ўтиб юборгил, шоядки Оллоҳ таоло биздан ўтиб юборса". Шу банда Оллоҳ таолога йўлиқди, Оллоҳ таоло унинг ҳам гуноҳларини кечирди.

* * *

* Неъмат оз бўлиб, шукрини адо этганинг кўп бўлгани шукрини адо этганингдан яхшироқдир.

* * *

* Ҳаромдан унган ҳар бир эт ўтда — дўзахда ёнишга лойиқдир.

* * *

* Мўминга хафалик келтирган ҳар нарса мусибатдир.

* * *

* Ҳар бир яхшилик садақадир.

* * *

* Етимларнинг молларини ҳам савдода айлантириб туринглар, закот уни еб тугатмасин.



* * *

* Ризқнинг ўнтадан тўққизтаси савдода, биттаси чорвадир.

* * *

* Сабрлилик ва иқтисодли бўлиш (тежаб сарфлаш) ва виқорли оғир-босиқ бўлиш пайғамбарликнинг 24 дан бир бўлагидир.

* * *

* Ростгўй, ишончли савдогарлар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлурлар.

* * *

* Қўрқоқ савдогар бойликдан маҳрум, қўрқмас савдогар омадlidir.

* * *

* Тадбиркорлик — маишатнинг ярмидир, дўстлашиш ақлнинг ярмидир, гам қарилликнинг ярмига тенгдир.

* * *

* Уч кишига қиёмат кунда Оллоҳ таоло гапирмайди, қоралайди ва уларни қаттиқ азоблайди: 1. Далада ўзидан ортиқ суви бору йўлдан ўтган йўловчига бермайдиган кишига. 2. Асрдан кейин савдо қилиб, Оллоҳ номига қасам ичиб, "мана шуни шунча пулга олдим", — деб ёлғон гапириб мол ўтказган кишига. 3. Имомга дунё учун байъат қилган кишига, агар дунёдан берса вафо қилади, бермаса имомнинг буйруғига итоат этмайди.

* * *

* Ҳалол ҳам аниқ ва равшан, ҳаром ҳам аниқ-равшан, шубҳалисини қўй, бешубҳасини ол.

* * *

* Омонатли, буюрилган нарсани тўлиқ қилиб берадиган омборчи ҳам садақа берувчининг биридир.

* * *

* Нарсани қарз беришлик уни садақа қилишдан ҳам яхшироқдир.

* * *

* Бойлик молнинг кўплигига эмас, балки кўнгилнинг тўқлигидадир.

* * *

* Мен ҳеч кимнинг ундай нарсам бор, бундай нарсам бор деб мақтанишини яхши кўрмайман.

* * *

* Тежаб сарфлаган камбағал бўлмайди.

* * *

* Кимки ўғрилиқ молни била туриб сотиб олса, ўғрининг айби ва гуноҳига шерикдир.

* * *

* Кимки сотиб олган молини пушаймон бўлиб, қайтиб олиб келган одамнинг пулини қайтиб берса қиёмат кунида Оллоҳ таоло ҳам уни адашган жойида тўғрилаб қўяди.

* * *

* Кимки қийналиб қолган қарздорга муҳлат берса, ҳар кунига ўша молни садақа қилган баробарида савоб олади, то муҳлат кунига етгунча. Белгиланган кунига етгач, яна муҳлат берса, ҳар кунига ўша молнинг икки баробарини садақа қилгани савобини олади.

* * *

* Кимки ҳалол ризқ истаб меҳнат қилиб, чарчаб ухласа шу кечани мағфират қилинган ҳолда ўтказибди.

* * *

* Кимки бир ҳовлини сотса-ю, ўрнига ҳовли олмаса, сотилган ҳовлининг пули унга барака қилмайди.

* * *

* Кимки бир айбли нарса айбини айтмай сотса, доимо Оллоҳнинг ғазабида бўлади ва фаришталар ҳам унга лаънат ўқийдилар.



БОЗОР ОДОБЛАРИДАН БИР ШИНГИЛ

Дунёдаги ҳар бир халқнинг тил-забони ўзгача бўлгани каби, *миллий хулқ-атвори*, *одоб-ахлоқи*, *муомала-муносабати*, *турфа урф-одатлари* билан ҳам ажралиб, фарқ этиб туради, лекин умуминсониятга хос бўлган *меҳр-муҳаббат*, *ҳаё-иффат*, *раҳм-шафқат*, *ҳурмат-иззат* ва *қадр-қиммат* деган туйғулар борки, бу ҳамма миллатлар учун бирдек гўзал фазилат ҳисобланади. Бозор деган жойнинг табарруклиги одамлар эҳтиёжини қондирадиган эл дастурхони бўлиши билан бирга, ҳеч бир миллат ажратмай, ҳеч кимни камситмай барчани ўзига чорлайди. Бозорга қайси миллат-элат кириб келмасин, ҳаммаси бир инсон сифатида ўзаро муомала-муносабатда хушмуомала, ширинсўз ва адолатли бўлишлари табиий ҳолдир, шундан келиб чиқиб *бозор* — *ҳамманики*, *насиба* — *эгасиники*, *ҳар ким насиб қилганини олади*, дейишимиз жоиздир.

Бозорнинг турли-туман одоб-қоидалари борки, улардан баъзиларини қуйида баён

этдик, "Харидор-муштарийларга" ва "Савдогар-сотувчиларга" деган сарлавҳаларда насиҳат эмас, зарурий ҳисобланган маслаҳатларни илтимос тарзида, эслатма қилиб келтирдик, булардан мақбуллари кўллаганларга Оллоҳ таоло бахт-барака ато этсин!

* *Бозорни — саришта, одамларни фаришта деб билинг!*

* * *

* *Бозорда баланд овозда бақириб-чақирманг, ҳаё-иффатингизни сақланг!*

* * *

* *Ҳисоб-китобда бир-бирингизга хиёнат қилманг, хиёнат баракани учиради.*

* * *

* *Бозор ризқ-рўз дастурхони, уни ифлос қилманг!*

* * *

* *Покиза неъмат — сиҳатга қувват!*

* * *

* *Бозорда бир-бирларини ота-она, оға-ини, опа-сингилдек ҳурмат қилганлар албатта иззат топади.*

* * *

* *Икки кишининг — сотувчи ва олувчининг келишиб турган савдосини бузманг, гуноҳ бўлади.*

* * *

Бозорда ҳеч кимга унинг дилини оғри-
тадиган аччиқ-қурум гап қилманг. Ҳадисда
айтилган: "Ўзингизга раво кўрган нарсани бошқа
биродарингизга ҳам раво кўрмагунигизгача
мўъмини комил бўла олмайсизлар" васиятини
дилда маҳкам тутинг.

* * *

Сўз ғазабига миниб, оғзингизга эрк берманг!

* * *

Чайқовчи-олибсотарларга дуч келиб қол-
сангиз, ранжиб: "Илоё бозорига ўт тушсин!"
деб айюханнос солманг, ҳалол савдогар-
бозорчиларнинг дилини оғритиб қўйманг!

* * *

Бозорда кўпчилик ичида қарғиш ва сўкиниш
сўзларини тилга олманг.

* * *

Бозорда бировга масхараомуз тикилманг ва
қўл бармоғи билан ёнингиздаги одамга бировни
нуқталаб кўрсатманг.

* * *

Бозорда биров бехосдан туртилиб кетса,
"ҳайвонга ўхшамай ўл!", "Турқинг қурсин",
"Кўзингга қараб юр, аҳмоқ!" каби сўзлар билан
ҳақорат қилманг. Бундай ҳолда: "И-е, нима
бўлди, эҳтиёт бўлиб юринг", деб танбеҳ берилса,
унинг ҳушёр бўлишига кифоядир.

2009/3

А52

Alisher No
nomidaq
O'zbekiston





ХАРИДОР — МУШТАРИЙЛАРГА

* Харидорликни ширин сўз билан бошланг, харидингиз хайрли бўлади.

* * *

* Сотувчининг молини ёқтирмасангиз олмаг, лекин хунук сўз айтиб лат уриб кетманг.

* * *

* Бирор харидор оламан деб турган нарсани тортиб олишга уринманг, бундай қилсангиз бировнинг оғзидаги луқмани еганлик гуноҳига қоласиз.

* * *

* Нимаики харид қилмоқчи бўлсангиз, нархини камайтириш ниятида: *"Молингиз яхши эмасу, арзонроқ берсангиз оламан"*, деб сотувчини дилини оғритманг!

* * *

* Бир киши олаётган нарсадан, *"менга қолмайди"* деб шошманг, сизнинг насибангизга аталгани ҳам борлигини унутманг.

* * *

* Сотувчи камгап-камсуқум одам бўлса, сўзамоллик қилиб ранжитиб қўйманг!

* Пештахталардаги ювилган-ювилмаган меваларни оғизга солаверманг, бирор юқумли дардга чалиниб қолишингиз мумкин.

* * *

* Ноз-неъмат харид қилишда сифати-мазасини билиш учун сотувчи-деҳқоннинг ризолигини олиб, сўнг еб кўринг!

* * *

* Сотувчи айтган нархга нарса олманг, ҳадисда *"мусулмонларда савдолашмасдан олишлик "ҳаром"га киради"*, деган иборани эсланг!

* * *

* Нарх-навода сотувчи билан қийишинг, лекин уч қайта сўраганингиздан кейин бермаса, зўрламанг, чунки *"Сўраганинг бир юзи қора, бермаганинг икки юзи қора"* бўлишини унутманг!

* * *

* Сотувчи молни тош-тарозида тортганда: *"Бир-иккита ташлаб юборинг"* деб таъмагирлик қилманг, ҳимматни ўзига ҳавола этинг!

* * *

* Сотувчи ноз-неъматни олиб тарозуга кўяётганда, сиз ҳам қўл чўзиб, чангаллаб тарозуга солишга одатланманг, агар ёмонини кўриб қолсангиз, олиб ташлашни сотувчидан яхши сўз билан илтимос қилинг!

* Бозорга тушишдан олдин уйда зарурий нарсаларни рўйхат қилиб ёзиб олинг, шунга ярашиқ тўрва-халта-идишларни эздан чиқарманг. Сотувчи нарсани тортиб тайёр қилганда, тўхтатиб мақтал қилиб қўйманг!

* * *

* Харид қилган мева-чевангиздан еб, чиқиндисини дуч келган жойга улоқтирманг!

* * *

* Сотувчи битта олувчи мингта, сотувчини айблаб, қаттиқ сўз айтманг!

* * *

* Деҳқондан ноз-неъмат олганда, "*Барака топинг, Олоҳ қувват берсин*" деб яхши тилак айтишни унутманг!

* * *

* Мол-буюмни баҳолашни билмасангиз, арзон ёки қиммат нархни айтиб бировларга жабр қилманг, яхшиси аралашманг!

* * *

* Сотувчи кўпчилик билан олди-сотди қилаётганда, сизга ортиқча қайтим бериб юборса, "*боладим савдогарни*" деб кетманг, бу ҳаром пул рўзғорингиз баракасини қул қилади!

* * *

Яхшиларнинг бозорлари баракали, нон насибалари ва иймонлари бутун бўлсин, топган-тутганлари тўй-у, хайрли ишларга буюрсин!



САВДОГАР — СОТУВЧИЛАРГА

* Савдогарликнинг энг яхши фазилати меҳр-муҳаббатли, ҳурмат-иззатли ва илтифотли бўлишдир.

* * *

* Савдо-сотикда тор феълли бўлганнинг ҳамёни ҳам торайиб боради.

* * *

* Ҳалол савдогарнинг қўлига, мевали дарахтга қушлар келиб қўнавергандек барака кираверади.

* * *

* Харидордан ҳақни тўғри ҳисоблаб олинг, қайтимини тўғри санаб беринг, сўнг рози-ризолик тилашиб қўйинг!

* * *

* Харидорга сертакаллуф, ширин лутф, одамшаванда бўлинг!

* * *

* Сотувчиларнинг забонида: "Келинг, пулингиз бўлмаса ҳам олиб кетинг!", "Олмасангиз ҳам тотиб кўринг, еганингизга пул олмаймиз", "Ош бўлсин", "барака топинг!", деган тилаклар

бўлиши қанчалар яхши эканини доим ҳис этинг!

* * *

* Харидорнинг халта-тўрвасига тароздан нарсани беозор жойлаб бериб: "*Уйингизга яхши етказиб олинг!*" деб тилак айтинг!

* * *

* Касал кўргани борадиган харидор илтимос қилса, ноз-неъматдан саралаб беринг, шунда сиз ҳам беморни кўрганлик савобини оласиз.

* * *

* Харидор тажанг бўлса, сиз кулиб-очиблиб муомала қилинг — таранг асаби бўшашади, феъл-атвори тош бўлса, сахийлик қилинг, — тошдек дили мумдек юмшайди.

* * *

* Харидор билан нархни келишолмай қолсангиз аччиқланиб: "*Ўтинг, сиз оладиган нарса, " -ув анёқда*" деб дил оғритиб йўл-йўриқ кўрсатманг, яхшиси: "*Нархини келишолмадик, бошқаларникини сўраб кўринг*", деб чиройли муомала қилинг.

* * *

* Илтифотли бўлинг, харидор ҳар бозорга тушганда сизни қидириб топадиган бўлсин.



БОЗОР ҲАҚИДАГИ ҲИКМАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

* Отанг — бозор, онанг бозор.

* * *

* Бозорчи — бозорчидан уялмайди.

* * *

* Бозордан қолсанг — бир кун қоласан,
яхшидан қолсанг — бир йил қоласан.

* * *

* Одоб бозорда сотилмайди.

* * *

* Сотувчининг кўзи гирён, харидорнинг
пули ҳайрон,
Савдогарнинг тили бийрон, олувчининг
кўзи гирён.

* * *

* Пули куйган харидор қалампир чайнар.

* * *

* Оз-оз еган мазадир, кўп-кўп еган азадир.

* * *

* Бозор кўрган эчкидан кўрқ!

* * *

* Тўйона қўй бозорни кўп кўради.



* * *

* Чайқовчи — бузуқ хотин.

* * *

* Ҳамма бозор — бир бозор.

* * *

* Бозор — меҳрга зор.

* * *

* Пул топгунча ҳисоб топ.

* * *

* Пулни топиш осон, ҳаржлаш қийин.

* * *

* Уйнинг гапи бозорга тўғри келмайди.

* * *

* Бозорга борсанг — бахтингдан кўр!

* * *

* Гўшг олишни билмайман, ёғ-сонидан
тортсангиз.

* * *

* Ёмон даллол — дажжол!

* * *

* Ёмон даллол — ёнидан.

* * *

* Эчкига — жон қайғу, қассобга ёғ қайғу.

* * *

* Даллол — воситачи текинхўр!

* * *

* Рўзгор — барокати бозор.

* * *

* Бозори касоднинг — ҳамёни касал.

* * *

* Олтин-кумуш — тош бўлур,
Арпа-буғдой — ош бўлур.

* * *

* Бир очликнинг бир тўқлиги бор.

* * *

* Камбағалнинг бир егани — бой бўлгани.

* * *

* Кўп пул одамни кўр қилади.

* * *

* Ортиқча мол — ортиқча ташвиш
келтиради.

* * *

* Меҳр билан бозор қилсанг,
Рўзғоринг баракали бўлади.

* * *

* Сўраганнинг бир юзи қора,
Бермаганнинг икки юзи қора.

* * *

* Дийдаси қаттиқ сотувчи — бозор ҳус-
нини бузувчи.

* * *

* Пул толиб, ҳисобини билмаган ўзини
ҳам билмайди.





ЁН ДАФТАРДАН

*Шарқона бозорларнинг калити — меҳрдандир.
Шарқона бозорларнинг фазилати — меҳрдандир.*

* Иқтисод деб аталган рўзғор қопининг
ямоғи — маънавиятдир.

* * *

* Ахир бозорда "бозорлашиб" оладилар.

* * *

* Пул топган одам ҳисобини билмаса,
мисқоллаб йиққанини ботмонлаб сарф
қилишда ҳам гап кўп экан.

* * *

* Бозорни кўриб серобликдан кўз қувонади.

* * *

* Кўз тўқлигида ҳам гап кўп экан.

* * *

* Кўча, бозор — ҳамманинг уйи.

* * *

* Дийдаси қаттиқ сотувчилар, яхшиси
бозорга келмагани маъкул.

* * *

* Беш бармоғини оғзига тиқадиганларнинг
ковушини тўғрилаб туриш керак.



* * *

* Қизик! Харидор арзон олсам дейди,
Сотувчи қиммат сотсам, - дейди.

* * *

* Қийишиб олган харидор сарфига
ачинмайди, кўнгил таскин топади.

* * *

* Қийишсангиз чарчоғингиз чиқади, -
дейди донолар.

* * *

* Қийишиш — бу зиқналик, хасислик
белгиси эмас.

* * *

* Ота-боболаримизнинг савдолашмасдан
харид қилиш "харом" деган нақллари бор.

* * *

* Халқимизда, бозор айлансанг орқа-
урвоғинг очилади, яъни оёқ-қўлинг ёзилади,
- деган гап бор.

* * *

* Айтадиларки, бозорни айланган бир
ҳовуридан тушади.





ЭЗГУЛИК СОҲИБИ

Зоҳиран бироз хаста киши метродан чиқаётиб ўн-ўн бир ёшлардаги болани кўмакка чақириб, метро зинапояларидан кўтарила бошлайди. Йўл-йўлакай қария болани гапга солиб, таппаккур айтиш боҳонаси ҳикматли сўзлардан намуналар сўзлайди. Бола ҳам нотаниш амакининг сўзларига маҳлиё бўлиб, юқорига чиқини асносида танишиб олади ва иккови ҳикматлар дунёсига кириб, бир зумда дўстлашиб қолишади. Қария ҳар куни телефон орқали бола билан мазмунли суҳбатлар ўтказди ва аста-секин бола пандномаларнинг сирли оламига кириб, талайгина ҳикматли сўзларни ёд олади.

Ғойибона устозлик қилган бу одам элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол Аминов эди.

Миллий қадриятларимизнинг фидоий жонкуяри Билол ака билан тўқсонинчи йилларнинг бошларида танишдим ва бу инсонга меҳрим ошиб, бир умрга дўстлашиб қолдим.

Ёдимда, 1996 йилда тадқиқотчи-олимнинг "Шарқона бозор фазилятлари" рисоласини мароқ билан ўқиб чиққанман. Ушбу рисолаани вақти-вақти билан варақлаб тураман, ундан ижодий илҳом оламан. Ҳар ўқиганимда болалик йилларимга қайтиб, шарқона ўзбек бозорларининг

руҳиятини ўзимда ҳис этаман, ундан туртки оламан. Ҳозирги ёш авлодни ушбу менталитетдан, азалий-инсоний удумлардан бохабар қилиш — Б.Аминовнинг асосий мақсадидир.

Заҳматкаш элшунос олимнинг рисоаларини ўқиб, ўз мўйқаламим билан туркум ишларга қўл уриш нияти туғилди, менда. Ижод парвозига шайланиб турибман...

Билол Аминовнинг фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, авваламбор, ҳозирги замон ёшларига асқотадиган ижодий жонқуярликни кузатиш мумкин. Бу борада олимнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлган «*Ватан — юракдаги жавоҳир*», «*Аждодлар нидоси*», «*Нон — неъматлар султони*», «*Шарқона бозор фазилатлари*», «*Шаҳидлар нидоси*», «*Мангу хотира*», «*Этнография оламига саёҳат*» ва бошқа китобларини эслаш ўринлидир.

Баъзида китобга ҳаққоний баҳони беғубор қалбли болалар беради, дейишади. Ушбу сатрлар муаллифининг фарзандлари ҳам Билол амакисининг китобларидан мунтазам фойдаланиб, Ватан, ватанпарварлик, аждодларимиз шонли тарихи ва бошқа кўп манбаларга бой маълумотларни ўзлаштириб келишмоқда.

Билол ака ўзлари яшайдиган Профессорлар шаҳарчасида мактаб ўқувчиларини йиғиб «*Ҳикматлар — ибрат*» тўгарагига жалб этди. Мурғак қалбларга ҳикматли сўзларни жо этиб, уларни аждодларимиз руҳияти билан ошно қилди. Маҳалладошларининг айтишича, болалар Билол

бобосининг уйларидан чиқишини пойлаб, то транспорт бекатигача суҳбат қуриб, ҳикматларидан сабоқ олиб кузатиб қўйишар экан.

Билол Аминов республикамизда маҳалла ҳаракатининг жонқуярларидан биридир. У кишининг «*Маҳалла — Ватанинг, ота-онанг*» номли плакатлари, «*Наврўз*» ва, айниқса, «*Меҳржон*» каби халқ байрамларининг республикамиз бўйлаб ўтказилиши ва оммалашувидаги меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Билол аканинг «Қатағон қурбонлари» хотира ёдгорлигига аталган мусиқий радиокомпозицияси бу даргоҳга келганларнинг қалбида ўтганларнинг руҳи-хотирасига буюк ҳурмат, эҳтиром уйғотади.

Устознинг:

*«Эй азиз инсон, сақлагил сукут,
Шаҳидларни сен доим ёдда тут!»*

— деган сўзлари бунга ҳамоҳанг.

Б.Аминовнинг «Тошкентнинг ўн икки дарвозаси» хусусидаги туркум мақолалари, Янги Кўкча дарвозаси лойиҳаси (рассом профессор Т.Соибов билан), ўз вақтида Тахтапул даҳасида зўр тантаналар билан «*Кулги кошонаси*» ва «*Оталар чойхонаси*»нинг ташкил этилиши, олим сифатида чет элдаги анжуманларда чиқишлари, ўн тўрт йил давомида Миллий университет талабаларига «*Жаҳон халқлари этнографияси*» фанидан ўқиган маърузалари устознинг кўп қиррали фаолиятининг бир қисми, холос.

Мустақиллик йилларида Т.Расулов билан ҳамкорликда ёзган «*Ватан — юракдаги жавоҳир*»

номли китоби ўзбек ёшлари ва зиёлилари учун яқин ҳамроҳ бўлиб қолди.

Билол ака мусаввирона қалбли инсон. У киши тасвирий санъат фалсафасини ҳикматлар дунёси орқали алломаларимизнинг ушбу санъат тури билан боғлиқ фикрлари орқали тушунтиради, изоҳлайди.

Устознинг шогирд ва қадрдонларига байрамлар муносабати билан тақдим этадиган натюр-мортларини айтмайсизми?! Йўқ у киши расм чизаркан, деб ўйламанг. Билол ака сархил меваларимизни тўқима саватчаларга чиройли дид билан жойлаштириб, ёки патнисга миллий ширинликларни (новвот, пашмак, парварда ва бошқалар) солиб тақдим этадилар.

Билол аканинг шундай сўзлари бор: *«Инсонда кўнгил тахти деб аталган бир шохона эзгу туйғу бор. Бу туйғу ҳар тожу тахтдан, мансаблардан юксакдир»*. Ўзлари кўнгил тахти эгаси бўлганлари каби атрофдаги дўстларининг ҳам кўнгилларини кўтариб турадилар. Билол Аминовнинг Ватан туйғусини улуғлаш борасидаги илмий ишлари билан бирга намунали ҳаёт йўллари ҳам кўпчиликка ибратлидир. Бунга олимнинг ушбу сўзлари исбот бўлади: *«Дунёдан кўз юммасдан охират совғасини тайёрлаш керак. Бу совға — яхшилик яъни эзгулик совғасидир»*.

Алишер Мирзо,

Ўзбекистон халқ рассоми, академик.



Мундарижа

Кириш	3
Барокатли дастурхон	5
Ҳадислардан намуналар	9
Бозор одобларидан бир шингил	15
Харидор-муштарийларга	18
Савдогар-сотувчиларга	21
Бозор ҳақидаги ҳикматлардан намуналар	23
Ён дафтардан	26
Эзгулик соҳиби	28

Билол Аминов, Баҳодир Султонов
Нодира Раҳмонбердиева

БОЗОР ОДОБЛАРИДАН БИР ШИНГИЛ

Муҳаррир *С. Мирзахўжаев*
Мусаввир *Ш. Хўжаев*
Саҳифаловчи *С. Пўлатов*

Босишга рухсат этилди 19.09.2008 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Нашр табоғи 1,0. Адади 1000 нусха.

«Истиқлол» нашриёти, Тошкент 100129, Навоий кўчаси, 30.

ХТ «Раззоқов О.Дж.» босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент 100129, Навоий кўчаси, 30. Буюртма № 199.